

MAGNE B6® ПРЕМИУМ/MAGNE B6® PREMIUM
препаратини тиббиётда қўллаш бўйича
ЙЎРИҚНОМА
(пациентлар учун ахборот)

Сиздан дорини қабул қилишни бошлашдан олдин ушбу йўриқномани диққат билан ўқиб чиқишингизни сўраймиз. У Сиз учун муҳим маълумот сақлайди.
Қўллаш бўйича маълумотни сақловчи ушбу илова-варақани сақлаб қўйинг, чунки Сизда уни кейинроқ яна бир бор ўқиб чиқишга зарурат пайдо бўлиши мумкин.
Хар қандай қўшимча маълумот ёки маслаҳатни олиш учун илтимос, ўз шифокорингизга ёки фармацевтга мурожаат қилинг.
Сизнинг шифокорингиз ушбу дори препаратини шахсан Сизга ёзиб берган, Сиз уни бошқа шахсларга беришингиз мумкин эмас. У уларга, хатто уларнинг касаллик симптоми Сизникига ўхшаш бўлса ҳам, зарар келтириши мумкин.

1. ДОРИ ВОСИТАСИНИНГ ТАЪРИФИ

А. номи

MAGNE B6® ПРЕМИУМ/MAGNE B6® PREMIUM

Б. Сифат ва миқдорий таркиби

Ҳар бир қобик билан қопланган таблетка қуйидагиларни сақлайди:

618,43 мг магний цитрати сувсиз, 10 мг пиридоксин гидрохлориди

Ёрдамчи моддалар:

Сувсиз лактоза, макрогол 6000, магний стеарати, гипромеллоза, титан диоксиди, тальк.

Магнийнинг (Mg^{2+}) таблеткадаги умумий миқдори 100 мг (4,11 ммоль) ни ташкил қилади.

В. Чиқарилиш шакли

Қобик билан қопланган таблеткалар блистерларда.

10 таблеткадан блистерда, 6 блистер картон қутида.

Д. АТХ коди: А12

2. MAGNE B6 ПРЕМИУМНИ ҚАЧОН ҚАБУЛ ҚИЛИШ КЕРАК?

Ушбу дори воситаси магний сақлайди.

Қуйидаги бир ёки бир нечта симптом магний танқислигини кўрсатади:

- Марказий нерв тизими томонидан: асабийлик, таъсирчанлик, хавотирлик хисси, ўткинчи чарчоқлик, хотирани ва диққатни жамлашни пасайиши, уйқуни бироз бузилиши;

- Периферик нерв тизими томонидан: қўл оёқ ва юз мушакларини тиришиши, мушак оғриғи, санчиқ хисси;

- Юрак-қон томир тизими томонидан: юрак уриб кетиш хисси ва/ёки юрак ишида узилиб қолишлар, кардиалгиялар;

- Висцерал симптомлар: силлиқ мушакларнинг спазмлари, шу жумладан меъда-ичак спазмлари, бачадон тонусини ошиши.

Магний танқислиги билан боғлиқ физиологик ҳолатлар: юқори жисмоний, эмоционал ва/ёки интеллектуал зўриқишлар, болаларнинг тезкор ўсиш даври, хомиладорлик.

Магний танқислиги билан боғлиқ бошқа ҳолатлар: мажмуавий орал контрацептивларни, мажмуавий сийдик ҳайдовчиларни қабул қилиш, магнийни кам миқдорда сақловчи парҳез.

Магнийни буюриш бу симптомларни йўқотишга ёрдам бериши ва магний танқислиги ҳолатини компенсация қилиш мумкин.

Агар бир ой даволашдан кейин яхшиланиш кузатилмаса, у холда шифокорга мурожаат қилиш лозим.

3. ДИҚҚАТ!

А. Ушбу препаратни қачон қабул қилмаслик керак?

МАГНЕ В6® ПРЕМИУМНИ қабул қилманг агарда:

- Сизда таблетканинг компонентларидан бирига аллергия бўлса («Таркиби»га қаранг).

- Сиз оғир буйрак етишмовчилиги билан касалланган бўлсансиз.

ШУБҲА ПАЙДО БЎЛГАНИДА МАСЛАҲАТ УЧУН ШИФОКОРГА ЁКИ ФАРМАЦЕВТГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!

Б. Алоҳида эҳтиёткорликлар

Йўлдош кальций танқислиги бўлган ҳолларда, магний танқислиги кальцийни қўшимча равишда юборишдан олдин бартараф қилиниши керак.

Таблеткада лактоза борлиги сабабли, ушбу препаратни галактоземияда, глюкоза ёки галактозани сўрилишини бузилиши ёки лактоза танқислигида (моддалар алмашинувининг кам учрайдиган бузилишларида қўллаш мумкин эмас.

Таблеткалар вазни 20 кг дан кам бўлган (6 ёшдан кичик) болалар учун мўлжалланмаган.

Ўртача буйрак етишмовчилигида магнийнинг қондаги даражасини ҳаддан зиёд ошиш хавфидан сақланиш учун эҳтиёткорликка риоя қилиш керак.

В. Ҳомиладорлик

Ушбу дорини зарурати бўлганда ҳомиладорликнинг ҳамма босқичларида қўллаш мумкин.

Агар Сиз МАГНЕ В6 ПРЕМИУМни қўллаш вақтида Сиз ҳомиладорлигингизни аниқласангиз, бу ҳақида Сиз ўз шифокорингизга дарҳол хабар беринг, чунки у даволашни давом эттириш масаласини ҳал қилади.

Г. Эмизиш

Эмизиш даврида препаратни қўллашдан сақланиш лозим.

Ҳар қандай дорини қўллашдан олдин шифокор ёки фармацевтдан маслаҳат сўранг.

Д. Бошқа препаратларни қўлланиши

Сиз ўз шифокорингиз ёки фармацевтни ҳамма қабул қилаётган ёки яқинда қабул қилган дори препаратлари тўғрисида, айниқса фосфат ёки кальций тузларини сақловчи, ҳатто агар бу препаратлар шифокор рецептисиз бериладиган бўлса ҳам, улар тўғрисида хабардор қилишингиз керак.

Е. Ушбу дори воситасини айрим беморларда хавфсиз қўллаш учун кўрсатилиши керак бўлган ёрдамчи моддаларнинг рўйхати:

Лактоза

4. БУ ПРЕПАРАТНИ ҚАНДАЙ ҚАБУЛ ҚИЛИШ КЕРАК?

А. Дозалари

Таблеткалар катталар ва 6 ёшдан ошган болалар қабул қилиши учун мўлжалланган.

Катталар учун: суткада 2-3 марта қабулга бўлинган ҳолда 3-4 таблетка, овқатланиш вақтида.

6 ёшдан ошган болалар учун (20 кг дан юқори вазнда): суткада 2-3 қабулга бўлинган 2-4 таблетка, овқатланиш вақтида.

Агарда МАГНЕ В6 ПРЕМИУМнинг самараси ҳаддан зиёд кучли ёки аксинча етарли бўлмаса, ўз шифокорингиз ёки фармацевт билан маслаҳатлашинг.

Б. Услуб ва қўллаш усули

Ичга қабул қилиш учун буюрилади.

Таблеткаларни бутунлигича, 1 стакан сув билан бирга ютиш керак.

Кундузги дозани бир неча қабулга бўлиш ва овқатланишдан олдин ёки овқатланиш вақтида қабул қилган яхшироқ.

В. Даволаниш давомийлиги

Одатда даволаниш давомийлиги бир ойни ташкил қилади.

Г. Дозани ошириб юборилиши

Одатда ичга қабул қилинган магнийнинг дозасини ошириб юбориш, агарда буйраклар меъёрида ишласа, токсик реакцияларни ривожланишга олиб келмайди.

Аммо буйрак етишмовчилигида магний билан захарланиш ривожланиши мумкин.

Д. Бир ёки бир неча дозаларни ўтказиб юбориш ҳолларидаги чоралар

Ўтказиб юборилган дозани ўрнини тўлдириш учун икки баробар дозани қабул қилманг.

Е. Бекор қилиш синдромининг хавфи

Йўқ.

5. МУМКИН БЎЛГАН НОЖЎЯ САМАРАЛАРИ

Барча дори воситалари каби МАГНЕ В6 ПРЕМИУМни ножўя таъсирларга эга бўлиши мумкин.

- диарея,

- қоринда оғриқ,

- тери реакциялари,

- аллергия реакциялар.

Агар Сиз бу ёки ушбу йўриқномада эслатиб ўтилмаган бошқа ҳар қандай ножўя самараларни кузатсангиз, бу ҳақида ўзингизнинг даволовчи шифокорингизга ёки фармацевтга хабар беринг.

6. САҚЛАШ

А. Ўрамада кўрсатилган яроқлилиқ муддати ўтгач ишлатилмасин.

Б. Сақлаш муддати: 2 йил.

В. Сақлаш шароити: хона ҳароратида (30°C дан паст) сақлансин.

Болалар олаолмайдиган жойда сақлансин!

7. ДОРИХОНАЛАРДАН БЕРИШ ТАРТИБИ

Рецептсиз.

8. ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИНИНГ НОМИ ВА МАНЗИЛИ

САНОФИ ВИНТРОП ИНДУСТРИЯ/SANOFI WINTHROP INDUSTRIE

56, route de Choise au Vas 60205 COMPIEGNE Франция